СУВ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭКОЛОГИЯ ТЕРМИНЛАРИ

З.ДЖУРАБАЕВА

В статье исследуются лексические единицы, связанные с понятием «вода» и их лексико-семантические особенности.

In this artikcle was considered the names which belong water and their iexica-semantic features.

Маълумотларга кўра, ер юзасидаги жами сув миқдорининг 2,5 фоизини чучук сув ташкил этар экан. Бунинг ҳам 75 фоизи Арктика ва Антарктида музликларидан иборат. Бундан 0,26 фоиз сув ичимлик суви саналади. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, 1 миллиард 100 миллион аҳоли тоза сув ичмайди. 2 миллиард 400 миллион киши сувни тозаламай ичади. Инсонлар ўртасидаги касалликларнинг 90 фоизи шундан. Ер юзида истиқомат қилаётган 3 миллион киши ифлос сувни истеъмол қилиш туфайли касалланган. Ҳар 8 сонияда 1 та чақалоқ вафот этади. Бу маълумотларнинг барчаси инсон ҳаётида унинг яшаши учун энг керакли бўлган неъматлардан бири бўлган сувнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини ва муаммонинг ниҳоятда ўткирлигини кўрсатиб турибди. Улар экология фанига қай даражада тааллуқли бўлса, тилшунослик фани учун ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Ер юзи аҳолиси сонининг кескин ўсиши, қишлоқ хўжалиги, саноатнинг жадал суръатлар билан ривожланиши сувдан оқилона фойдаланиш масаласини олдимизга кўндаланг қилиб қўйди. Юзага келган сув танқислиги, экологик танглик бу муаммонинг кенг кўламда ҳал этилиши лозимлигини талаб қилмоқда. Шунга кўра, сув билан боғлиқ масалани нафақат қишлоқ хўжалиги, кимё, биология, геология, гидрология, метеорология каби фанлар, балки лингвистика фани нуқтаи назаридан ҳам чуқур ўрганиш зарурияти келиб чиқмоқда. Маълумки, барча тилларда бўлгани сингари ўзбек тилида ҳам сув билан боғлиқ минглаб сўзлар мавжуд ва улар тилимиздаги энг бой қатламлардан бирини ташкил қилади. Сув билан боғлиқ лексик бирликлар ҳозирга қадар фанда тарихий, гидрологик, ирригацион, географик аспектларда жиддий ўрганиб келинган бўлса-да [1,2,3,4], уларнинг лисоний жиҳатларига камдан-кам эътибор қаратилган. А.Данилова, Д.Айтбоев, Ҳ.Жабборов, А.Собиров каби тадқиқотчиларнинг ишларини ҳисобга олмаганда, сув билан боғлиқ терминлар ўзбек тилида деярли тадқиққа тортилмаган.

Жумладан, А.В.Данилова сувнинг метеорологик хусусиятларига бағишлаган номзодлик диссертациясида ***дўл, қиров, булдуруқ*** каби сўзларнинг лексик-семантик хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилган, лекин унинг тадқиқотида юқоридаги терминларнинг экология билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида ҳеч қандай фикр-мулоҳазалар учрамайди [5].

Д. Айтбаев “Девону луғотит – турк” асаридаги сув илми атамалари ва гидрографил маълумотлар ҳақида гапираётиб, луғатнинг 1-жилдида 218 та, 2-жилдида 447 та, 3-жилдида 562 та, жами 1228 та гидрология билан боғлиқ сўзларнинг қайд этилганини айтади ва уларнинг ўша давр тилини аниқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди [6]. Бироқ, муаллиф юқоридаги лексемаларга экология терминлари сифатида ёндашмаган.

Аслини олганда, М.Кошғарий томонидан луғатга киритилган сув билан боғлиқ номлар туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ушбу қатламнинг фаол ҳаракатда бўлиб келганлигидан далолат бериб турибди. Сув билан боғлиқ лексик бирликларнинг синхрон тадқиқи борасида А.Собиров ва Ҳ.Жабборовларнинг илмий изланишлари мавжуд. А.Собиров ўзининг докторлик диссертациясида *сув* лексемасининг *кўз ёши*, *ичимлик суви*, *сел*, *сой, жилға (ёки ирмоқ), канал, дарё, уммон, шарбат*, *минерал сув, шифобахш сув, тер*, *кўлмак, ҳалқоб, ўлган одамни ювиш*, *чўмилмоқ*, *жонланиш, уйғониш*, *сўлак*, *мазасиз, бемаза*, *заҳм, йиринг*, *спиртли ичимлик* каби 20 дан ортиқ маъноларда келишини айтиб ўтади [7]. Гарчи А.Собиров сув лексемасини семик (компонент) таҳлилга тортиб кўрган бўлса ҳам, унинг сув ҳақидаги фикрлари кенг кўламда эмас ва улар ушбу микросистеманинг хусусиятларини ўзида тўлиқ қамраб олмаган.

Ҳ.Жабборов “Ўзбек тилининг суғориш лексикаси” номли номзодлик иши [8] ва “Ўзбек тилида сув лексемасининг луғавий-маъновий хусусиятлари” номли монографиясида сув асоси билан ясалган 468 та лексема ва 60 та фраземанинг луғавий-маъновий ва грамматик хусусиятлари ҳақида батафсил фикр юритган. Сув лексемаси қатнашган 420 та мақол ва матални тадқиққа тортиб кўрган [9]. Тадқиқотчининг сув лексемасининг тармоқланиб, 30 дан ортиқ янги маъноли сўзлар ҳосил қилиши ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига тўла қўшилиш мумкин. Нисбатан олиб қараганимизда, Ҳ.Жабборовнинг монографиясида сув билан боғлиқ лексемаларнинг барча луғавий-маъновий ва грамматик хусусиятлари тўлиқ очиб берилганга ўхшайди, лекин бизнинг тадқиқотларимиз шу нарсани тасдиқлайдики, сув билан боғлиқ сўзларнинг ҳали очилмаган қирралари жуда кўп. Сув сўзининг маъновий тармоқланиши тугал охирига етмаган. Масалан, унинг махсус маънолари эътибордан четда қолиб кетган. Бунга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин. “*Ичимлик сувининг инсон ҳаётида ўрни беқиёс* [10] (ҳаётбахш). *Ердан кўтарилишимиз ҳамоно стюардесса қиз ёнимизга келиб, патнис тутаркан, илтифот билан: “Тош-*

кент суви" ичасизми, шарбатми?"-деб сўради [11] (минерал сув). *Чустда "Бибиона" булоғи бор. Бир ерда қайнаётган сув сал ўтмай бир қадам наридан, яна бир оз кутсангиз, ундан ҳам нарироқдан қайнаб чиқаётганини кўрасиз* (шаффоф). *Тоғ тепасидаги жилға сувлари қояга чирмашиб ўсган дарахт илдизларидан чак-чак томиб туради* [11] (тин-тиниқ, муздек). *2011 йилнинг ёзида бошланган сув тошқини иккинчи бора мамлакатга улкан талофат етказмоқда* [12] (кулфат). *Кеп қолинг, Ҳасти Уккошанинг булоқларидан чиққан Обишифо сувидан ичиб қолинг!* [13] (шифобахш). *Тирик сув - осмондан ёққан қор-ёмғир, ҳавонинг тунда совушидан ҳосил бўлган шабнам ёки қиров, музликларнинг эриб, сув ҳолига келаётган, дарё-сойларда оқаётган, ҳали қизимаган, туриб қолмаган ва қайнамаган ҳолатдаги сув; қизиган, қайнаган, ё қайнаб буғга айланаётган сув ўлик сув саналади. Оқсув – тоғлардан келган сойлар, қорасув – булоқлардан ҳосил бўлган дарёлар* [14]. *Ҳомилани ўраб турадиган сув (амниотик суюқлик) бир қанча муҳим вазифаларни бажаради: сувнинг доимий ҳарорати 37 даража бўлади, болани иссиқ сақлайди* [15]. *Кечаси билан ухламай, карра жадвалининг қолган қисмини ҳам "сув қилиб ичиб юбордим"* [16] *(мукаммал ёдламоқ)* ва ҳоказо.

Энг муҳими, шу кунгача *сув* лексемасининг экология билан боғлиқ жиҳатлари ўзбек тилида мутлақо тадқиққа тортиб кўрилмаган. Реал ҳолатда эса сув билан боғлиқ микросистемада азалдан бир-бирига параллел бўлган икки экологик йўналиш: тозалик, софлик, табиийлик билан ифлосланиш, булғаниш, сунъийлик ҳукмрон бўлиб келган.

Аниқлашимизча, *сув* билан боғлиқ лексик бирликлар биринчи галда "ичишга яроқли" маъноси билан бир ерга жамланади. Бунга *тоза ичимлик суви, булоқ суви, зилол сув, газ сув, чашма суви, шаффоф сув, чой суви, чучук сув, ширин сув, шифобахш сув, минерал сув, шўр сув* каби лексик бирликлар киради. Уларнинг барчасида *"экологик тоза ичимлик суви"* семаси мавжуд ва шу белгисига кўра улар экология билан боғлиқ микросистемада ўзига хос мавқега эга. Ўз навбатида улар қуйидаги кичик гуруҳларга бўлиниб кетади: а) "табиий тоза, ичишга яроқли" семали лексик бирликлар: *чучук, газли, газсиз, тоза, ширин, ҳаётбахш, ҳузурбахш, тотли, зилол, пок, типтиниқ, чанқов бости, мусаффо, шаффоф;* б) "ифлосланган, ичишга яроқсиз ҳолга келтирилган, экологик тоза эмас" семали лексик бирликлар: *ифлос, қуртлаган, лойқа, бўтана, сифатсиз, шўр, аччиқ, бадбўй, бадхўр, сассиқ, бемаза;*

Демак, *аччиқ сув, бўтана сув, емирувчи сув, занг сув, лойқа сув, оқова сув* сингари "ичишга яроқсиз" бўлган сув номлари *"истеъмолга яроқсиз ичимлик"* семаси билан биринчи қатордаги лексемаларга зидланади.

в) *илиқ, илмилиқ, қайноқ, совуқ, оқ, рангсиз, мазасиз, туссиз* ва шу каби лексемаларда юқоридаги ҳар икки қаторга хос бўлмаган семалар мавжуд. Бу семалар нарсаларнинг физик-кимёвий хоссаларига бориб тақалади.

"Ичимлик" семаси *компот, шарбат, квас, айрон, қимиз, кисель* каби суюқликларда ҳам бор, аммо улар сувдан ранги, маъзаси, иккиламчи маҳсулот эканлиги, инсоннинг биологик ҳолатига турлича таъсир кўрсатиши семаларига эга эканлиги билан сув лексемасидан кескин фарқланади.

Атмосфера, ёмғир, қор, дўл, қиров, шабнам, шудринг, булут, қора булут, паға-паға, *ёғмоқ, эримоқ, қуймоқ, шарилламоқ, лайлакқор, оқишоқ қор, муз, ивимоқ, шалоббо бўлмоқ,* каби лексик бирликлар сув билан боғлиқ лексемаларнинг алоҳида гуруҳини ташкил этади.

Кристал, «*проба», технология*, *актив сув, ўлик сув, тирик сув, енгил сув, кристалл сув, радиоактив сув, сокин сув, қаттиқ сув, хом сув, юмшоқ сув, кумуш сув* ва уларнинг хусусиятларини ифодаловчи *сув массаси, сув сиғими, турғун сув, фильтрланган сув*, *тозалаш, фильтрлаш* каби сўзларда терминологик бўёқ кучли. Уларнинг қўлланилиш доиралари чегараланган, ишлатилиш диапозони ҳам кенг эмас. Шу боис ушбу терминлар учинчи парадигматик қаторни ташкил этади. Уларда *"истеъмолга яроқли ичимлик"*семаси эмас, балки *"физик ва кимёвий хоссаларга эга"* семаси биринчи планга чиқади. Аслида, сув табиатда *қаттиқ – муз, суюқ – сув ва газ – буғ* ҳолатида учрайди.

Тўртинчи парадигматик қатор миллий реалиялар, социолингвистик жиҳатлар билан боғлиқ ҳолда бир ерга жамланади. Буларга *дамсув, дармон сув, ирим сув, маҳрам сув, муқаддас сув, сув париси, сув қизи* каби лексемаларни мисол қилиб олиш мумкин.

Кейинги жамлик деҳқончилик, ерни суғориш билан боғлиқ ҳолда реаллашади. Буларга *мелиоратив, бўғланиш, коллектор, зовур, оқова, фирма, лицензия, баклажка, тиндиргич, ирригация, дренаж, тўғон, дамба, учамак, захобсув, кўклам суви, пайнобсув, саратон суви, сув айирғич, сув бўлгич, сув кўтаргич, сув пуркагич, сув совутгич, чилласув, шонасув, шудгорсув, қавс суви, ўғрисув, яхоб сув, томирсув, оласув, жонсув, магнит ёрдамида суғориш, плёнка тўшаб суғориш, кўчма полиэтилен қўйиб суғориш,ички суғориш тармоқлари, томчилаб суғориш, кўллатмоқ, чанқатмоқ, ўқ ариқ, қулоқ, сувчи, мироб, мироббоши, арна, канал* сингари лексик бирликларни киритса бўлади.

Истеъмол, томчи, сатҳ, чуқурлик, кечув, кўприк, симкўприк, ҳавза, ўзан, соҳил, бонитет, жўмрак, ҳўпламоқ, литр, куб метр

Сув билан боғлиқ терминологик системада бир-бирига қарама-қарши бўлган бинар парадигматик қатор мавжуд. Биринчи қаторни сувни тоза, покиза, табиий ҳолда сақлаш, ундан унумли, самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган *ичмоқ, қайнатмоқ, суғормоқ, томчиламоқ, ариқ, қазимоқ, қудуқ, артезиан, оқизмоқ, қулоқ, эгат, пушта, тарамоқ, булоқ, жилға, ирмоқ, дарё, кўл* каби лексемалар ташкил этса, иккинчи қаторни сувни ифлослантириш, ундан пала-партиш фойдаланиш билан боғлиқ бўлган *чиқинди, ахлат, мағзава, оқова, ҳаром, мақруҳ, нопок, лойқалатмоқ, кўллатмоқ, оқинди, лойқа, ифлослантир-*

моқ, булғамоқ, тўсмоқ, сасимоқ, балчиқ сингари сўзлар ташкил этади ва улар ёрдамида бугунги кунда ўзбек тилининг фаол қисмига айланган экоматнларни ҳосил қилиш мумкин.

Сув билан боғлиқ терминологик системанинг сезиларли қисмини икки ва ундан ортиқ лексик бирликлардан ташкил топган терминлар ташкил этади. Уларга *Бутун жаҳон сув куни (22 март), Умумжаҳон сув кенгаши, глобал сув шериклиги, умумжаҳон сув форуми, сув кўтаргич иншоати, сув ресурслари баланси,сувни тежайдиган технология, суғориладиган майдон, мелиориатив ҳолат, коллектор – дренаж тармоқлари, сув босим минораси, ёғоч сув бўлгич, бир қулоқ сув, бир билак сув, сув ости алоқаси, сув ости кемаси, сув ости спорти, эркин юзали сув, сув айланиши, оби раҳмат, оқин сув, чала ўлик сув, биологик фаоллик, ер ости суви, ер усти суви, сув артериялари, сув қувур, зилол гавҳар сув, гидрографик муҳит, сув-ботқоқ ҳудудлари, сувнинг кимёвий таркиби, туз концентрацияси, сувларининг ташланиши, ёмғир суви, юқори оқим, қуйи оқим, трасчегаравий дарёлар, насос станияси, куб метр, гидротехника, сув ресурслари, микрофлора, микрофауна, водопровод суви* сингари лексемаларни мисол қилиб олиш мумкин.

Сувнинг табиий ҳаракатланиши асосида икки гуруҳдаги лексик бирликларни фарқлаш мумкин. а) “олдинга қараб ҳаракатланадиган сув”, “оқин сув” семали лексемалар: *жилға, ирмоқ, сой, дарё, ариқ, канал, дарё; булоқ//чашма;* б) “турғун, бир ерда туриб қолган сув” семали лексик бирликлар: *кўлмак, ҳовуз, қудуқ, кўл, сардоба, денгиз, океан, уммон* ва ҳ.

Юқоридаги лексик бирликлар “экологик тоза ичимлик суви” семасига кўра ҳам икки гуруҳга бўлинади. а) “ичишга яроқли сув” семали лексемалар: *булоқ, ариқ, қудуқ, дарё, кўл;* б) “ичишга яроқсиз сув” семали лексемалар: *денгиз, океан, кўлмак* каби.

Ранг-туси, маза-таъми асосида яна икки гуруҳни ажратиб кўрсатса бўлади. а) “шаффоф, мусаффо, соф” семали лексемалар: булоқ, ариқ, канал, дарё; б) “бўтана, лойқа, шўр” семали лексемалар: *денгиз, океан, сел*.

Хуллас, сув билан боғлиқ терминларнинг экологик хусусиятларини лингвистик аспектда текшириш ва улар асосида етарли хулосалар чиқариш бугунги ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб масалалардан бири эканлигини унутмаслигимиз керак.

Адабиётлар:

1. Думанян И.М. Суғориладиган деҳқончиликнинг бугуни ва эртаси.- Т.: Ўзбекистон, 1965
2. Абдулхамидов А. Из истории народной ирригационной практика в зоне предгорий Узбекистана XIX начало XX вв. – Т.: Наука, 1981
3. Муҳаммаджонов А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи.- Т., 1982
4. Файзуллаев Ж, Шокиров А. Суғориш санъати.- Т.: Фан,1990
5. Данилова Л.А. Метеорологическая лексика тюркских языков: Автореф. дис. ... канд. филол. наук.- Т., 1972.
6. Айтбаев Д.М. Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида сув илми атамалари ва гидрографик маълумотлар ҳақида // Ўзбекистон географлари жамияти ахбороти.-1999.- Б.178-181
7. Собиров А. Ўзбек тилининг лекик сатҳини система сифатида тадқиқи этиш.- Филология фанлари д-ри ... дисс. автореферати.- Т., 2005.- Б.62-63.
8. Жабборов Х. Ўзбек тилининг суғориш лексикаси.- Филол. фанлари ном.... дисс. автореферати.-Т., 1996
9. Жабборов Х.. Ўзбек тилида сув лексемасининг луғавий-маъновий хусусиятлари.- Қарши: Насаф, 2005.
10. Ёқубова М. Табиатнинг бебаҳо инъоми / Халқ сўзи.- 2011.- 15 сентябрь
11. Бобожонов Ф. Тупроғида олтин гуллайди / Халқ сўзи.- 2011.- 10 сентябрь
12. Сув тошқини - улкан талофат / Vatanparvar. – 2011.- 23-sentabr
13. Саид Аҳмад. Умрим баёни / Моҳият- 2011.- 10 июнь
14. Исомиддинов З. Сув – табаррук неъмат / Маърифат гулшани.- 20011.- № 39.- Б.6
15. Сўғдиёна.- 2011.- 22 сентябрь
16. Кажанова О. Унутилмас ўгит /Моҳият.- 2011.- 30 сентябрь

Андижон давлат университети,
2011 йил 6 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)